

**КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ ЎҚУВЧИЛАРДА АҲЛОҚИЙ
ФАЗИЛАТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МАЪНАВИЙ
ВОСИТАЛАРИ**

*Мардонов Шукурулло Қўлдошев,
педагогика фанлари доктори, профессор,
Маматова Азиза Махаматджоновна
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат
педагогика институти магистранти*

Аннотация: мақолада кичик мактаб ўқувчиларда ахлоқий фазилатларни шакллантиришнинг маънавий воситалари масаласи таҳлил этилган ва бу борадаги ёндашувларга муносабат билдирилган.

Калит сўзлар: ўқувчилар, ахлоқ, фазилат, шакллантириш, ёндашув, маънавият, восита, мактаб.

**SPIRITUAL MEANS OF FORMATION OF MORAL VIRTUES IN
PRIMARY SCHOOL STUDENTS**

*Mardonov Shukurullo Kuldashevich,
doctor of pedagogical sciences, professor,
Mamatova Aziza Maxamatdjonovna
Tashkent region Chirchik state
pedagogical institutes of masters*

Abstract: The article analyzes the content of the formation of moral qualities of students of primary school age and provides methodological recommendations.

Keywords: students, ethics, virtue, formation, approach, spirituality, tool, school.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ахлоқий фазилатларини шакллантиришда *маънавий воситалар* муҳим ўрин тутди. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сонли қарори билан тасдиқланган “Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси”да энг илғор маънавий воситалардан фойдаланиш вазифалари қўйилган.¹ Таъкидлаш лозимки, бу Концепцияга кўра, ёшларнинг маънавий тарбияси босқичларга бўлинган асосида амалга оширилиши белгиланган. Шу жиҳатдан кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни маънавий тарбиялаш учинчи босқичга киритилган ва унда маънавий воситалардан мазкур тоифа ўқувчиларнинг хусусиятларига мос равишда фойдаланиш вазифалари қўйилган. Жумладан, Концепцияда белгиланган қуйидаги *вазифаларга* эътибор беринг:

- ўқув фанлари доирасидаги маънавий тарбия индикаторларини амалиётга жорий этиш, уларни амалиётда қўллаш олиш имконини берувчи амалий машқ ва топшириқлар билан бойитиш (маънавий-ахлоқий компетенциялар) муваффақиятга эришишга интилиш мотивининг кичик мактаб ёшидаги ўқувчи хусусияти сифатида мустаҳкамланиши;

- боланинг ўз ҳулқ ва фаолиятини онгли назорат қилишни кучайтириш ва ҳ.к.

Эътибор берилса, мазкур белгиланган вазифаларда ахлоқий фазилатларни шакллантиришнинг маънавий воситаларидан қуйидаги учтаси алоҳида белгиланган, булар:

- 1) индикаторлар;
- 2) машқлар;
- 3) топшириқлар.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. // www.ziyounet.uz

Бизнингча, мазкур маънавий воситаларга асосланган ҳолда кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ахлоқий фазилатларини шакллантириш имкониятлари мавжуд. Бу ўринда эътиборингизни ана шу масаланинг таҳлилига тортамыз.

1. *Индикатор маънавий воситаси.* “Индикатор” – бу муайян кўникма, фазилат ва сифатларни ўзлаштириш даражасининг кўрсаткичидир.² Шу жиҳатдан кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ахлоқий фазилатларини шакллантиришда индикатор маънавий воситасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Унга кўра, ўқувчиларда шаклланаётган ахлоқий фазилатларнинг шаклланиш даражаси кўрсаткичлари мунтазам равишда ўрганиб борилади. Бундай ўрганишнинг механизмлари сифатида қуйидагиларни белгилаш мумкин:

1) ҳар бир ўқувчида эзгу, инсоний ва ижтимоий хусусиятларга эга ахлоқий фазилатларнинг шаклланиш даражасини мунтазам ўрганиб бориш ва уларнинг намоён бўлиш даражасини белгилаш;

2) кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ахлоқий фазилатларнинг жамоавий шаклда шаклланиб боришини ўрганиш ва унда учрайдиган муаммоларни ҳал этиш йўллари белгилаш;

3) ахлоқий фазилатлари талаб даражасида шаклланаётган ўқувчи ёки гуруҳнинг мазкур масала бўйича кўникмаларини янада ривожлантириш тадбирларини амалга ошириб бориш.

Бундай ёндашув бошланғич синф ўқитувчилари ва синф раҳбарларининг ҳамкорлигида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Шунингдек, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ахлоқий фазилатларнинг шаклланиш кўрсаткичларини индикатор маънавий воситасида ўрганиб ва кузатиб бориш учун махсус ўқитувчининг тайинлаб қўйилиши ҳам самарали ҳисобланади. Бунда асосий мақсад ўқувчиларда

² Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. Масъул муҳаррир Қ.Назаров. – Т.: Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2010. 212-б.

ахлоқий фазилатларнинг шаклланиш кўрсаткичларини ўрганиб бориш ва бу ишнинг кейинги режаларини белгилаб олишдир.

Индикатор маънавий воситаси ҳар бир кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг хулқ-атвори, характери ҳамда хатти-ҳаракатларини тўлиқ намоён қилади. Образли қилиб айтганда индикатор маънавий воситаси кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ахлоқий фазилатларини шаклланиш даражасини кўрсатувчи кўзгудир. Айти пайтда, мазкур маънавий восита ўқувчилар билан фаол ҳамкорлик қилишга асосланади ва унда маъмурий методик хусусиятлар учрамайди. Шу сабабли ушбу маънавий воситадан оқилона фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади ва бу восита инновацион характерга эгаллиги билан амалий аҳамиятга эга.

2. *Машқ маънавий воситаси.* Бу маънавий воситанинг мазмуни шундан иборатки, ўқувчилар эзгу, инсоний фазилатларни ва ахлоқий муносабатларни машқ воситасида ўзлаштиради. Мисол учун, 1-синф ўқувчиларига “Сиз кимни жуда яхши кўрасиз ва яхши кўрган кишининг сизга ёқадиган фазилатларини ёзинг” мавзусида машқ топшириғи берилиши мумкин. Ҳар бир ўқувчи албатта, онаси, отаси ёки оила аъзоларидан бирининг фазилатларини ўз имкониятлари доирасида ифодалайди. Ўқувчи ифодалаган фазилатларни ўқитувчи ўқувчилар билан биргаликда таҳлил қилиши ва шу фазилатлар сабабли шахс ўқувчига ёқганлиги тушунтириб берилади. Бундай ёндашув бошланғич синфлар кесимида мураккаблаштириб борилиши мумкин. Бизнинг кузатишимизча, машқ маънавий воситаси қизиқарлилиги, ўқувчиларни фаоллаштириши ва уларда инсоний муносабатларнинг кутилган даражада шаклланиши хусусиятларига эгаллиги билан аҳамиятга эга. Чунки мазкур маънавий воситанинг асосий мақсади ахлоқий фазилатларни ўзлаштиришга ўқувчиларнинг ўзларини амалий жалб қилишдан иборат.

Бугунги кунда кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ахлоқий фазилатларини шакллантиришда кўп ҳолларда фазилатларнинг инсон

ҳаётида тутган ўрни методикасига ва кўргазмали воситаларга кўпроқ асосланилади. Бу тажриба кутилган самарани бергани ҳолда, унинг мазмунида маъмурий ёндашув воситаси мавжудлиги маълум. Ўқитувчи ўз ўқувчиларида ахлоқий фазилатларнинг кутилган даражада шаклланишини истайди ва шу сабабли ўзи маъқул кўрган методика ҳамда воситалар асосида фазилатларнинг шарҳини чуқурроқ тушунтиришга ҳаракат қилади. Бу кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларга ахлоқий фазилатлар бўйича назарий тушунчалар беради, лекин амалий жиҳатдан, яъни ўқувчиларнинг ахлоқий фазилатларини ўзлаштириши ҳамда кўникмага айлантириши жараёни мураккаб кечаётганлиги маълум. Шу сабабли биз томонимиздан кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ахлоқий фазилатларни шакллантиришда машқ маънавий воситаси нисбатан амалиётга йўналтирилганлиги идрок этилади.

Машқ каби ҳамкорлик, очиқлик ва демократик хусусиятларга маънавий воситалардан кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ахлоқий фазилатларини шакллантиришда оқилона фойдаланиш инновацион характерга эгаллиги билан эътиборни тортади.

3. *Топшириқ маънавий воситаси.* Ушбу маънавий восита мазмунига кўра, ўқувчиларга турли тасвирий санъат асарларидаги образлар ёки мультфильмлардаги образларнинг яхши-ёмон жиҳатларини ёзиш топшириғи берилади. Бугунги кунда кўпчилик ўқитувчиларимиз *топшириқ* деганда ўқув фанларида берилган мавзулар бўйича топшириқларни бажариш ва бажарилиш даражасини баҳолашни тушунишади. Бу тўғри, айти пайтда, топшириқ тушунчаси кенг маънода маънавий восита ҳам ҳисобланади. Чунки ўқувчи топшириқни бажариш жараёнида ниманидир кутилган даражада ўзлаштириши керак. Айнан мана шундай ёндашиш топшириқ тушунчасининг маънавий восита хусусиятини англаш имконини беради. Шу жиҳатдан Топшириқ маънавий воситаси кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ахлоқий фазилатларини

шакллантиришда муҳим амалий жараёндир. Мисол учун, юқорида таъкидланганидек, ўқувчи бирор мультфильмнинг қаҳрамонларидаги яхши-ёмон жиҳатларни ифодалаши билан унинг онгида айнан ёмонликлардан тийилиш тушунчаси пайдо бўлади ёки аксинча, ижобий қаҳрамонларнинг ўқувчи томонидан тасвирланган фазилатлари ўқувчи онгида тасвирланиб қолади. Чунки ўқувчи мультфильмнинг ижобий қаҳрамонларига самимий маънода тақлид қилади, салбий қаҳрамондан эса нафратланади. Эътибор берилса, бу билан ўқувчида яхшиликларни табиий равишда ўзлаштиришнинг амалий жараёни юзага келади. Шу сабабли мазкур маънавий восита ўз имкониятлари билан муҳим аҳамиятга эга. Унда ўқувсининг ўз фаоллиги воситасида ахлоқий фазилатларни ўзлаштириш жараёни юзага келади. Мазкур маънавий воситасидан фойдаланиш ҳам кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ахлоқий фазилатларини шакллантиришда инновацион хусусиятга эгаллиги билан муҳим аҳамиятга эга.

Эътибор берилса, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ахлоқий фазилатларни шакллантиришнинг Индикатор, Машқ ва Топширик маънавий воситаларига қуйидаги *хусусиятлар* хос:

- 1) ахлоқий фазилатларни шакллантиришда амалиётга таянади;
- 2) ахлоқий фазилатлар ўқувчиларнинг ўз фаоллиги асосида ўзлаштирилади;
- 3) ахлоқий фазилатларни шакллантиришда очиқлик, демократлик ва фаоллик хусусиятларини беради;
- 4) мазкур маънавий воситалар бир-бирини ўзаро тўлдириб келади.

Бизнинг ёндашувимизга кўра, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларга ахлоқий фазилатларнинг инсон ҳаётида тутган ўрни масаласи бўйича минимал даражада назарий тушунча бериш, максимал даражада амалий йўналтириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай ёндашув кичик мактаб

ёшидаги ўқувчиларда ахлоқий фазилатларни шакллантириш методикасини янгилаб бориш имконини ҳам беради. Шунингдек, ўзига хос маънавий воситалардан фойдаланиш ўқувчиларнинг онги, характери ва муносабатларида ахлоқий фазилатларнинг сингишини амалий жиҳатдан таъминлайди.

Маънавий воситалар асосида кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда қуйидаги ахлоқий фазилатларни шакллантириш самарали ҳисобланади: *дўстлик, ҳурматлилиқ, меҳрлик, ўзаро ёрдам, ота-онани севиши, ватанпарварлик, билим олишга интилиши, ўзгаларни ҳурмат қилиши, ўзининг шахсий манфаатларини тия олиши, жамоада фаоллик кўрсатиши, ҳаммиса ўқувчилар жамоаси билан бирга бўлиши, ўзгаларга ёрдам кўрсатиши, кичикларни иззат қилиши, катталарни ҳурмат этиши, ўзининг муаммоларини ўртоғи ёки ўқитувчилар билан муҳокама қила олиши, мақсадга интилиши, фаоллик* ва ҳ.к. Бу ахлоқий фазилатларни ўқувчиларда маънавий воситалар асосида шакллантириш амалий самарани беради.

Шундай қилиб, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ахлоқий фазилатларни шакллантиришнинг маънавий воситалари амалиётга ва инновацион ёндашувга асосланганлиги билан муҳим аҳамиятга эга.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Ўзлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. // www.ziynet.uz

2. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. Масъул муҳаррир Қ.Назаров. – Т.: Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2010. 212-б.

3. Жабборова О.М., Ташпулатова Д.М. Бошланғич синф ўқитувчиларининг малака талаблари. Экономика и социум халқаро журнал, 2021.

4. Жабборова О.М. Бошланғич таълимда масофавий ўқитишнинг электрон-модулли усуллари. Academic research in educational sciences, Issue 5, 2021. 1294-1299 б.

5. Жабборова О.М., Аҳмедова Н.Ш. Бошланғич синф ўқувчиларини миллий ғоя асосида тарбиялаш. Экономика и социум халқаро журнал, 2021, 1101-1110 б.

6. Жабборова О.М. Бошланғич таълимда интеграциялаш масалалари. Academic research in educational sciences, Issue 4, 2021. 701-706 б.

7. Мардонов Ш.Қ., Жабборова О.М. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлашда ўқитишнинг инновацион кластер усули. Педагогик таълим кластери: муаммо ва ечимлар. Халқаро илмий-амалий анжуман, ТВЧДПИ, 2021. 142-145 б.

8. Жабборова О.М. Ўқитишнинг кредит-модул тизимида ўқув фанлари кўламини кенгайтириб бориш асослари. Current research journal of pedagogics 2(8): 92-95, August. pp. 92-95

9. Jabborova O.M. Methodology of education of primary students on the basis of the union “Yourth strategy”. Mental enlightenment scientific – methodological journal. Volume 2021, Issue 06. pp. 120-131.

10. Жабборова О.М., Ташпулатова Д.М. Бошланғич таълим методикаси. Экономика и социум. 2021, № 10 (89). pp. 1359-1361.

11. Жабборова О.М. Бошланғич таълимда “Тарбия” фанини ўқитиш методикаси ўқув фанининг асослари. Муғаллим хем узликсиз билимлендириў, Нукус, 2021, №5. 152-154 б.

12. Жабборова О.М. Бошланғич таълим методикасининг хорижий тажрибалари: Ушинский методологияси. Ўзбекистон миллий университети хабарлари, 2021 йил, 1/6. 75-77 б.